

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ҚОДИРХЎЖАЕВА НИГОРА САИДГАНИЕВНА**

**БИРЛАМЧИ СУРУНҚАЛИ БОШ ОҒРИҒИ БЎЛГАН БЕМОРЛАР  
УЧУН ДАВОЛАШ ЁНДАШУВЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.13 – Неврология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БУЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Қодирхўжаева Нигора Саидганиевна**

Бирламчи сурункали бош оғриғи бўлган беморлар учун  
даволаш ёндашувларини оптималлаштириш ..... 5

**Кадырходжаева Нигора Саидганиевна**

Оптимизация терапевтических подходов у пациентов с  
первичными хроническими головными болями ..... 21

**Kadyrkhodjayeva Nigora Saidganievna**

Optimization of therapeutic approaches in patients with primary chronic  
headaches ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published work ..... 43

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ҚОДИРХЎЖАЕВА НИГОРА САИДГАНИЕВНА**

**БИРЛАМЧИ СУРУНҚАЛИ БОШ ОҒРИҒИ БЎЛГАН БЕМОРЛАР  
УЧУН ДАВОЛАШ ЁНДАШУВЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.13 – Неврология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БУЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.PhD/Tib644 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар**

**Прохорова Анна Владимировна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Расмий оппонентлар**

**Раимова Малика Мухамеджановна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Джурабекова Азиза Тахировна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот**

**С.Д. Асфендияров номли Қозоқ миллий тиббиёт университети (Қозоғистон Республикаси)**

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий шох кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (99865) 223-00-50, веб-сайт: [www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz), E-mail: [buhme@mail.ru](mailto:buhme@mail.ru)).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган) (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий шох кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (99865) 223-00-50, веб-сайт: [www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz), E-mail: [buhme@mail.ru](mailto:buhme@mail.ru)).

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилган.

(2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)



**Д.Т. Ходжиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Ш. Ахмедова**

Илмий даражалар берувчи берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**Г.А. Ихтиярова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ҳозирги вақтда бош оғриғи нафақат невролог, балки умумий амалиёт шифокорларининг амалиётида энг кўп учрайдиган шикоятлардан биридир. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти маълумотларига кўра «... бош оғриғи асаб тизимининг энг кенг тарқалган касалликларидан бири ҳисобланади, ўтган йиллар давомида республика катта ёшли аҳолисининг деярли ярми камида бир марта бош оғриғини бошдан кечирганлиги тахмин қилинмоқда. Такрорий бош оғриғи хуружлари оила ва ижтимоий ҳаётга салбий таъсир кўрсатади, шунингдек ногиронлик, ҳаёт сифатининг пасайиши ва молиявий харажатлар билан боғлиқ ...»<sup>1</sup>. Европа Бош Оғриғи Федерацияси маълумотларига кўра, цефалгия ногиронликнинг энг кенг тарқалган ўнта сабабларидан бири бўлиб, ижтимоий ва иқтисодий зарарни белгилайди.

Дунё миқёсида бугунги кунга келиб, Халқаро бош оғриғи жамияти 160 дан ортиқ цефалгия турларини ажратиб кўрсатади, улар бирламчи ва иккиламчи бош оғриғига бўлинади. Халқаро экспертлар маълумотларига кўра, бирламчи бош оғриғи мустақил нозологик шакл ҳисобланиб, органик сабаби аниқланмаган ва 95-98% барча цефалгияларни ташкил қилади. Иккиламчи цефалгиялар сабаби кўплаб бошқа касалликлар симптоми бўлиши мумкин. Бирламчи бош оғриқларни даволаш икки тамойилга асосланади: бош оғриғи хуружини даволаш ва бош оғриғининг такрорланиши, интенсивлигини камайтиришга қаратилган профилактик терапия.

Бугунги кунда мамлакатимизда аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни янги босқичга кўтариш учун, цереброваскуляр касалликлар асоратлари натижасида келиб чиқадиган ногиронликларни камайтириш мақсадида ушбу касалликка эрта ташҳис қўйиш, даволаш ва олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш борасида аниқ мақсадли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс тадбирлар амалга оширилмоқда, хусусан «... мамлакатда тиббий ёрдам самарадорлиги, унинг сифати ва фойдаланиш имкониятларини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш; патронаж хизмати ва самарали клиник кўрикдан ўтказишнинг самарали моделларини яратиш орқали диагностика ва даволашнинг юқори технологияли усулларини жорий этиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларнинг олдини олиш...»<sup>2</sup>. Шу боисдан, тиббий хизмат сифатини янги босқичга кўтариш, хусусан, цефалгияни ташҳислаш ва даволаш бўйича замонавий тиббий хизмат даражасини ошириш ва юқори сифатли тиббий ёрдам кўрсатишда замонавий технологиялардан фойдаланиш, айниқса, катталар ёшдагилар орасида, ногиронлик ва ўлимни камайтириш зарур. Даволашнинг янги усулларини ишлаб чиқиш жуда муҳимдир.

<sup>1</sup> <https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/headache-disorders>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сонли «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сонли «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилган.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация иши республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бирламчи бош оғриқлар шакли 95-98% ҳолатларда учрайди. Улардан 78% и зўриқиш бош оғриғини ташкил қилади. Эпидемиологик текширувларнинг натижалари шуни кўрсатадики, эпизодик зўриқиш бош оғриқлари 24-37% беморда ойига бир неча марта кузатилса, 10% беморда ҳар ҳафтада кузатилган, 4-5% аҳоли сурункали бирламчи бош оғриқлари билан ҳасталанганлар бўлиб (Lanteri-Minet M. et al., 2003; Dodick D.W., 2006), шулардан 0,4-2,4% гача беморларда сурункали мигрен кузатилган [Katsarava et al., 2008; Scher et al., 2009]. 95-98% ҳолларда сурункали кундалик бош оғриқларининг асосий сабабчиси сурункали мигрен, сурункали зўриқиш бош оғриғи ва абзус цефалгиялардир ва фақатгина 2-5% ҳоллардагина бош оғриғи симптоматик бўлиши мумкин. (Табеева Г.Р., Вейн А.М., 2000; Dodick D.W., 2006).

Ўзбекистон Республикасида сурункали мигрен эпидемиологияси ва клиник кечиши Гафуров Б.Г. (2009) ишларида кўрсатилган, мигренда бош мия томирлари ва эндотелий аномалияси Раҳматуллаева Г.К. (2018) ишида тасдиқланган, болалар мигренининг иммунологик жиҳатлари хусусиятлари Маджидова Ё.Н. ва Алиджанова Д.А. (2019) илмий-тадқиқот ишларида берилган. Шунингдек, ирсий омил ва ангиодисплазиянинг цефалгик синдром ривожланишидаги ўрни Суннатов Р.Ж. (2013), Халимова Х.М. ва Якубова М.М. (2014) илмий-тадқиқот ишларида батафсил ёритилган, асоратли кечувчи мигрен шаклларида гемодинамик, клиник ва баъзи биокимёвий ривожланишлар ўзига хослиги, уларни даволаш ва ташҳислаш масалалари Саноева М.Ж. ва Раҳимбаева Г.С. илмий ишларида ёритилган. Ўрганилган илмий тадқиқот ишлар сони кўплигига қарамай, сурункали бош оғриқларининг ташҳиси ва адекват терапиясига Ўзбекистонда етарли эътибор ажратилмагани боис, бу патологияни ўрганиш долзарб ҳисобланади. Шу сабабли янги самарали даво усулларини ишлаб чиқишга зарурат мавжуд.

Муаллифларнинг фикрига кўра, бирламчи сурункали бош оғриқлари, даволаниш билан боғлиқ катта харажатларга ва қисман ёки узоқ муддатли ногиронликка олиб келади. Муаммонинг аҳамияти туфайли терапиянинг янги

ва янада самарали усулларини ишлаб чиқиш зарурати туғилади. Сурункали кундалик бош оғриқлар узок муддатли ногиронликнинг энг кўп тарқалган сабабларидан бири бўлиб, беморларнинг касбий ва кундалик фаолиятида дезадаптацияга ва ҳаёт сифатининг пасайишига олиб келади (Colas R. et al., 2004; Осипова В.В., 2015).

Сурункали бош оғриқлар этиопатогенезида психоэмоционал ўзгаришлар иштирок этади (Welch K.M., Goadsby P.J., 2012; Silberstein S.D., 2017). Бундай тадқиқотлар камлиги ва номувофиқлиги туфайли амалиётчилар сурункали бош оғриғи бўлган беморларда, коморбид руҳий касалликларни қанчалик мунтазам равишда аниқлашлари ва даволашларини айтиш қийин (Яхно Н.Н. ва ҳаммуал., 2000; Dodick D.W., 2016).

Кўпчилик муалифлар сурункали мигрен ва сурункали зўриқиш бош оғриқларининг клиникаси, патофизиологик механизмлари ва даволаш усулларини келтиришган, аммо Ботулотоксин А типи билан (БТХ-А) инъекция ёрдамида ишлаб чиқилган схемалар келтирилмаган (Алексеев В.В., 2006; Артеменко А.Р., 2009).

Бирламчи ва симптоматик бош оғриқларини ташхислаш усуллари ёки шифокор билими етарли бўлмагани сабабли, асосланмаган ташхислар кўпайиши, ноўрин даволаш тактикасининг қўлланилиши, ўз навбатида бош оғриқларнинг сурункали шаклга ўтишга сабаб бўлади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясида «Бирламчи сурункали бош оғриғи бўлган беморлар учун даволаш ёндашувларини оптималлаштириш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида 2017-2021 йиллар давомида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади.** Бирламчи сурункали бош оғриғининг патогенетик механизмларига асосланиб Ботулотоксин-А инъекцияларини даволашда қўллаш ва даволаш ёндашувларини оптималлаштиришдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари** куйидагилардан иборат:

сурункали кундалик бош оғриғи билан оғриган беморларнинг клиник кўриниши ва ҳаёт сифатини аниқлаш;

сурункали кундалик бош оғриғи бўлган беморларда перикраниал мушаклар ҳолати ва уларни оғриқ синдромининг ҳосил бўлиш механизмдаги аҳамиятини ўрганиш ва баҳолаш;

Ботулотоксин-А инъекциялари сурункали кундалик бош оғриғи бўлган беморларни даволашда қўлланилиши мақсадга мувофиқлигини асослаш ва самарадорлигини баҳолаш;

сурункали кундалик бош оғриғи билан оғриган беморларда ботулинотерапиянинг индивидуал йўналтирилган схемасини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида 122 нафар бемор олинган, улардан 102 нафари сурункали бирламчи бош оғриғига чалинган беморлар, I-гуруҳда 42 нафар сурункали мигрени бўлган беморлар, улардан 34 нафари аёл ва 8 нафари эркак. II-гуруҳда 60 нафар сурункали зўриқиш бош оғриғи билан оғриган

беморлар бўлиб, уларнинг 29 нафари аёл ва 31 нафари эркак, шунингдек 20 нафар сурункали бош оғриғи бўлмаган беморларни фақатгина интерференцион ЭМГ натижаларини солиштириш мақсадида жалб қилинган. Беморларнинг ўртача ёши  $32.1 \pm 10.3$  (M $\pm$ SD) йил, ёш диапазони 18 ёшдан 66 ёшгача.

**Тадқиқот предмети** сифатида анамнестик, клиник-неврологик, нейрофизиологик тадқиқот натижаларидан фойдаланилган.

**Тадқиқот усуллари.** Илмий тадқиқотни амалга оширишда клиник - неврологик, инструментал, шунингдек статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор нейрофизиологик текширувлар асосида бирламчи сурункали бош оғриғи бўлган беморларда перикраниал ва бўйин мушакларининг дисфункциясини бартараф этиш учун Ботулотоксин А-типини қўллаш самарадорлиги исботланган;

сурункали бош оғриқлар патогенезида муҳим рол ўйнайдиган перикраниал ва бўйин мушакларидаги кучланишни ташхислашда ҳамда субъектив палпация усулидан фарқли равишда Ботулотоксин-А инъекция қилиш нуқталарини аниқлашда интерференцион ЭМГ усулидан фойдаланиш афзаллиги исботланган;

интерференцион ЭМГ маълумотлари асосида «Оғриқ кетидан» усули ёрдамида БТХ-А инъекция қилишнинг индивидуал схемаси ишлаб чиқилган;

сурункали мигрен бўлган беморларга Ботулотоксин-А инъекцияни 195 бирлик дозада 3-4 ойда бир марта, сурункали зўриқиш бош оғриқли беморларга 155 бирлик дозада ҳар 4-6 ойда бир марта тавсия этиш орқали ягона даволаш схемаси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

сурункали кундалик бош оғриқларни ташхисида интерференцион ЭМГ усули мезонларидан фойдаланиш орқали патогенетик даволаш усулини қўллаш ва бу ўз навбатида беморларда асоратлар ривожланишига йўл қўймаслик имконини берган;

сурункали кундалик бош оғриқ патогенетик даволаш комплексига Ботулотоксин-А инъекциялари киритилиши асоратлар камайишини таъминлагани, даволаш натижаларини, беморлар ҳаёт сифатини яхшилангани исботланганлиги, бу усулдан неврология ва умумий амалиёт шифокорлар амалиётида фойдаланиш имконини оширган;

анамнезида бирламчи бош оғриқлари бўлган беморларда бош оғриқларни сурункали ҳолатига ўтиш хавфини камайтириш, абюзус цефалгия ривожланишига йўл қўймаслик учун, ташхислаш мезонлари, интерференцион ЭМГ натижалари ва ишлаб чиқилган даво ва ташхис алгоритми амалиётга тавсия этилганлиги асоратларини олдини олиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилигини** бир бирини тўлдирувчи замонавий клиник, неврологик, инструментал, тадқиқот усулларининг қўлланилганлиги тасдиқлаган, шунингдек, клиник материалнинг етарлилиги, тадқиқот натижаларининг статистик усуллар билан таҳлил қилиниши,



натижаларнинг барчаси далилларга асосланган тиббиёт тамойиллари бўйича бажарилгани ва маҳаллий ҳамда хорижий тадқиқотлар билан таққослаш орқали олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланган.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сурункали бош оғриғи патогенезида перикраканиал ва бўйин мушакларининг таранглиги ўрни исботланган, мушаклардаги тонус ошган бу ўз навбатида ишемия ва мушак тўқималарида биокимёвий кўринишлар ишонарли кўтарилиши ҳисобга олган ҳолда, перикраканиал ва бўйин мушакларидаги таранглик ноинвазив нейрофизиологик, яъни интерференцион ЭМГ усули ёрдамида аниқлаш, сурункали бош оғриғи давосини оптималлаштириш, терапевтик ва ташҳисий чора-тадбирлар комплексида устувор вазифа ҳисобланади ва Ботулотоксин-А инъекция даво усули қўлланилганда бу кўрсаткичларнинг ижобий томонга ўзгаришлари ва беморлар ҳаёт кўрсаткичлари яхшиланганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти анамнезида бирламчи бош оғриқлар бўлган беморларда, бирламчи бош оғриқларни сурункали ҳолатга ўтиш хавф гуруҳига кирувчи беморларда, ташҳисий алгоритм ишлаб чиқилиб, терапевтик ёндашувларни оптималлаштиришга қаратилган Ботулотоксин-А инъекцияси даво усули қўлланилиб, олиб борилган ташҳисий ва терапевтик ёндашувлар асоратлар сонини камайтирганлиги билан изоҳланган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бирламчи сурункали бош оғриғи бўлган беморлар учун даволаш ёндашувларини оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

анамнезида сурункали кундалик бош оғриғи бўлган беморларнинг даволаш усулларини такомиллаштириш мақсадида яратилган «Бирламчи сурункали бош оғриқлари даволаш схемасини оптималлаштириш мақсадида А типидagi ботулотоксинни қўллаш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 23 сентябрдаги 8н-р/370 маълумотномаси). Тадқиқот натижаси бирламчи сурункали бош оғриғи бўлган беморлар учун ташҳисотни такомиллаштириш даволаш ёндашувларини оптималлаштириш, такрорий диспансеризация сонини камайтириш ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган;

олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Тошкент тиббиёт академияси 1-клиникаси ва Тошкент шаҳри 56-сон оилавий поликлиникаси клиник амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 7 октябрдаги 8н-д/207 - сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижаларидан неврологлар ва умумий амалиёт шифокорлари амалиётида фойдаланишда, сурункали кундалик бош оғриқ патогенетик даволаш комплексига Ботулотоксин-А инъекциялари киритилиши, касаллик асоратлари камайиши, даволаш самарадорлиги ошиши, беморлар ҳаёт сифатини яхшиланишига имкон яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 7 та

илмий анжуманларда, жумладан 5 та халқаро ва 2 та маҳаллий илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ҳамда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 2 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 128 бет.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида, диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланади, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот предмет ва объекти тавсифланган бўлиб, тадқиқот Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баёнида олинган натижалар таҳлилининг ишончлилигига асосланган ҳолда уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган ва амалий соғлиқни сақлаш тизимига татбиқ қилиниши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг биринчи бобида «**Бирламчи сурункали бош оғриқлар классификацияси, этиология, патогенез, диагностика ва клиник кечиши**», адабиётлар таҳлили келтирилган. Бу бобда сурункали кундалик бош оғриғининг патофизиологик, патогенетик, патобиокимёвий, патопсихологик жиҳатлари, шунингдек эпидемиологияси, клиникаси ва таснифи кўриб чиқилган. Бундан ташқари, сурункали бош оғриғи таснифи, ташҳис мезонлари ва клиник хусусиятлари қайд этилган. Бирламчи сурункали бош оғриғини профилактик даволаш учун фармакологик воситалардан фойдаланиш стратегияси, нейровизуализация, шунингдек жаҳон амалиётида БТХ-А инъекциясининг қўлланилиши келтирилган. Сурункали кундалик бош оғриғи долзарблиги етарли адабиётларга асосланиб кўрсатилган.

Диссертациянинг иккинчи бобида «**Анамнезида бирламчи сурункали бош оғриқлар бўлган беморларни ўрганиш материаллари ва тадқиқот усуллари**» тавсифланган ва шакллантирилган. Илмий иш 2017-2021 йилларда Тошкент шаҳридаги “Medical Intermed” ва “Medical Impuls” хусусий клиникаларида даволанган 102 нафар бирламчи сурункали бош оғриғи билан оғриган беморлар ва 20 нафар сурункали бош оғриғи бўлмаган беморларни ўрганиш асосида тузилган, тадқиқотларда жами 122 нафар бемор иштирок этган.

Беморларнинг клиник ва неврологик текширувлари, усул ва шкалалар келтирилган: бош оғриғи интенсивлигини баҳолаш учун рақамли рейтинг шкаласи (NRS), Кливланд клиникаси томонидан ишлаб чиқилган бош оғриғи

анкетаси, интерференцион электромиография усули, амалга оширилган терапия турлари ва статистик маълумотлар ўртача кўрсаткичларни ҳисоблаш билан тавсифланган, дастурий таъминот ёрдамида кўп ўлчовли дисперсион ва корреляция таҳлиллари ўтказилган.

Ушбу тадқиқот лойихаси бирламчи сурункали бош оғриғи (сурункали зўриқиш бош оғриғи ва сурункали мигрен) бўлган беморларнинг клиник ва параклиник маълумотларини БТХ-А инъекцияси қўлланилган беморлар ва ТЦА, СИОЗС ва/ёки АЭП билан даволанаётган беморларнинг ўртасидаги таққослашни ўз ичига олган.

I-гурухда сурункали мигрен билан хасталанган 42 нафар бемордан, 20 нафар беморга 195 бирлик БТХ-А инъекцияси қилинган ва II-гурухда 60 нафар сурункали зўриқиш бош оғриқли бемордан 28 нафарига 155 бирлик БТХ-А инъекцияси қилинган. Беморларнинг ўртача ёши  $32,1 \pm 10,3$  (M $\pm$ SD) йил, беморлар ёш оралиғи 18 ёшдан 66 ёшгача бўлган. БТХ-А инъекциялари беморларга «белгиланган томон - белгиланган доза (БТБД)» ва 40 бирлик БТХ-А «оғриқни кетидан» (ОК) усули қўлланилган, бу усулларни танлашда иЭМГ натижалари асос қилиб олинган (1-жадвал). Тадқиқотга беморларни танлаш мезонлари, кунига 4 сотадан кўп давом этадиган хуруж, охирги 3 ой давомида ойига 15 кун ёки ундан кўп хуруж сони ва камида 3 йил давомида касаллик давомийлигидир. Бемор анамнезда мигрен хуружлари ёки эпизодик зўриқиш бош оғриғи булиб, МКГБ-3 (2018) мезонларига тўғри келиши керак.

#### 1-жадвал

#### БТБД ва ОК учун тавсия қилинган БТХ-А дозаси

Бош ва буйин соҳаси	Дори дозаси (билатерал), бирлик
Frontalis	20
Corrugator	10
Procerus	5
Occipitalis	30
Temporalis	40
Trapezius	30
Cervical paraspinal muscle group	20
ОК	40

Эслатма: \* - ҳар бир инъекция = 0.1 мл = 5 бирлик Ботулотоксин-А

I-гурухдаги 42 нафар бемордан сурункали мигрен билан 22 нафар бемор ва II-гурухда 60 нафар бемордан сурункали кундалик бош оғриғи билан 32 нафар бемор Трициклик антидепрессантлар, Серотонинни қайта қайтариб олиш селектив ингибиторлари ва Тутқаноққа қарши препаратлар ёрдамида даволанган. Препарат энг кичик тавсия этилган дозадан бошланиб, титрлаш препаратларнинг самарали ва/ёки максимал дозасига эришилгунга қадар ёки ножўя таъсирлар пайдо бўлгунча давом эттирилган. Бемор холати 15 кундан, 3 ойдан ва 6 ойдан кейин қуйидаги кўрсаткичлар билан баҳоланган: бош оғриқ интенсивлиги, бош оғриқ хуружлар кун сони, эмоционал фон, 3 ойдан кейин

иЭМГ натижалари, беморнинг ҳаёт сифати ва танланган даволаш усулининг самарадорлиги.

Диссертациянинг учинчи бобида «**Бирламчи сурункали бош оғриқлар бўлган беморларни текширув натижалари**» беморлар клиник кўриниши хусусиятлари, бош оғриғи интенсивлигини баҳолаш учун рақамли рейтинг шкаласи (NRS), ёш, ижтимоий-демографик маълумотлар, беморлар эмоционал фонини GAD-7 ва PHQ-9 шкалалар натижалари (хавотир ва депрессияни баҳолаш), ҳаёт сифатини баҳолаш ва танланган даво самарадорлиги келтирилган.

Бирламчи сурункали бош оғриғи билан касалланган беморларнинг даволангандан олдинги клиник кўриниши ўзига хос хусусиятлари 2-жадвалда келтирилган. Бу натижалар даводан аввал икки гуруҳ беморлари орасида статистик ишонарли фарқ кузатилмаганини кўрсатган ( $p>0.05$ ).

Бирламчи сурункали бош оғриқли беморларни даволашда, танланган даво тури фақатгина NRS шкаласига асосланиши, бемор аҳолини нотўғри баҳолайди. Бу усул субъектив бўлиб, текшириш мақсади беморнинг даводан олдин ва даводан кейинги аҳолини солиштиришга қаратилган.

Даводан аввал NRS шкаласи буйича олинган натижалар: БТХ-А инеъкция даво усули қўлланилган беморлар гуруҳида ва стандарт терапия олган беморлар орасида, I-гуруҳда (сурункали мигрен билан хасталанган беморлар,  $p=0.2372$ ) ва II-гуруҳда (сурункали зўриқиш бош оғриқли беморларда,  $p=0.4362$ ) сезиларли статистик фарқ бўлмаган. Даводан сўнг NRS шкаласи бўйича кўрсаткичлар БТХ-А инеъкциясини олган беморлар ва стандарт даво олган беморлар орасида статистик жиҳатдан муҳим ўзгаришлар кузатилган, I-гуруҳ ( $t=2.256$ ;  $df=40$ ; 95% CI 0.1906 - 3.4694), II-гуруҳ ( $t=2.534$ ;  $df=58$ ; 95% CI 0.3464 - 2.9536). БТХ-А инеъкциясини олган беморлар даво самарадорлиги кўрсаткичлари, стандарт даво олган беморлар параметрларидан ишонарли юқори: сурункали мигрен беморларида NRS шкаласининг ўртача кўрсаткичи ( $M\pm SD = 1,3\pm 2,27$ ) ва сурункали зўриқиш бош оғриқли беморларда ( $M\pm SD = 1,85\pm 2,1$ ), стандарт даво олган беморлар кўрсаткичи: сурункали мигрен беморларда ( $M\pm SD = 3,13\pm 2,91$ ) ва сурункали зўриқиш бош оғриқли беморларда ( $M\pm SD = 3,5\pm 2,83$ ).

Барча беморларда PHQ-9 ва GAD-7 сўровномалари ёрдамида интервью олинган. Олинган натижалар, сурункали бош оғриғи билан оғриган беморларнинг 37,2% и депрессиядан ва 59,8% и хавотирдан азият чекиши исботланган.

## 2-жадвал

**Беморларнинг даволангандан олдинги клиник кўриниши ўзига хос хусусиятлари (сурункали мигрен – I-гуруҳ) ва сурункали зўриқиш бош оғриғи – II-гуруҳ).**


Кўрсаткич	I Гуруҳ n=42 (41,1%)		P value	II Гуруҳ n=60 (58,8%)		P value
	БТХ-А	Станд. даво		БТХ-А	Станд. даво	

Беморлар сони, n (%)	n=20 (19,6%)	n=22 (21,5%)		n=28 (27,4%)	n=32 (31,3%)	
<b>Бош оғриқ характеристикаси, (M± SD)</b>						
Хуруж частотаси (ойига)	21.3±2.0	20.6±1.83	0.2432	21.7±1.99	21.53±1.86	0.7337
Бош оғриқдан фориқ кунлар (ойига)	8.7±2.0	9.31±1.83	0.5989	8.28±1.99	8.46±1.86	0.7187
Бош оғриқ интенсивлиги (ойига шкала NRS бўйича)	7,43±2,43	6,36±2,78	0.2372	5,92±2,52	5,4±2,6	0.4362
Касаллик давомийлиги, (йил)	9,85±4,67	7,81±4,93	0.1773	4,96±1,75	4,37±1,75	0.1978
<b>Эмоционал фон, (M±SD)</b>						
Хавотир (шкала GAD-7 бўйича)	11.25± 4.45	9.7±4.67	0.4052	10.68±4.7	10.4±4.98	0.8646
Депрессия (шкала PHQ-9)	6.75±4.52	7.6±5.05	0.7152	4.72±2.45	4.27±1.9	0.6355
Хуруж вақтида беморнинг ишга лаёқатлилиги, (M± SD)	2.5±0.68	2.27±0.82	0.3525	2.25±0.79	2.09±0.81	0.4432
Перикраниал мушак дисфункциясини аниқлаш, (M± SD)	1.8±1.15	1.59±1.09	0.5470	2.03±0.96	1.96±0.99	0.7827
Беморларнинг ҳаёт сифати	27.5±10.9	25.2±11.1	0.5027	22.5±9.73	23.1±10.5	0.8201


Келтирилган 1- ва 2-расмларда БТХ-А инъекцияси усули билан даволанган беморлар ва стандарт даво олган беморлар орасидаги натижалар солиштирма таҳлили баён этилган.

Депрессияга чалинган беморларга асосий стандарт даводан ташқари антидепрессантлар (флувоксамин, пароксетин) буюрилган, енгил депрессияли беморларга аутотренинг, релаксация усуллари қўлланилган. Хавотирга эга беморларга эса, анксиолитиклар (тофизопам, гидроксизин) буюрилган, енгил ва ўрта даражадаги хавотири бўлган беморларга психотерапевтик ёрдам кўрсатилган. БТХ-А инъекцияси усули билан даволанган беморларга кўшимча даво белгиланмаган.

Даводан аввал сурункали мигрен ва сурункали зўриқиш бош оғриқли беморларда, PHQ-9 сўровнома натижаларида статистик ишонарли фарқ бўлмаган ( $p > 0.05$ ). Даводан сўнг сурункали мигрен беморларида (95% CI- 8.8226 0.1426;  $t = -2.052$ ;  $df = 16$ ;  $p = 0.0569$ ) ва сурункали зўриқиш бош оғриқли беморларда (95% CI -4.9657 -1.4143;  $t = -3.747$ ;  $df = 20$ ;  $p = 0.0013$ ), натижалар статистик ишонарли фарқ қилган ( $p < 0.05$ ).




**1-расм. PHQ-9 нинг стандарт терапия ва БТХ-А инеъкциясини олган сурункали мигренли беморлар орасидаги ўзгаришлари.**




**2-расм. PHQ-9 нинг стандарт терапия ва БТХ-А инеъкциясини олган сурункали зўриқиш бош оғриқли беморлар орасидаги ўзгаришлари.**

Даводан аввал GAD-7 сўровномалари натижаларида сурункали мигрен гуруҳида ( $p=0.4052$ ) ва сурункали зўриқиш бош оғриқли беморлар гуруҳида ( $p=0.8646$ ), шунингдек даводан кейин сурункали мигрен гуруҳида ( $p=0.2047$ ) ва сурункали зўриқиш бош оғриқли беморлар гуруҳида ( $p=0.2101$ ) БТХ-А инеъкциялари ва стандарт терапияни олган беморлар орасида статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқ кузатилмаган, аммо стандарт терапия қабул қилган беморларга қўшимча анксиолитиклар тавсия қилинган. 3- ва 4-расмларда БТХ-А инеъкция усули ва стандарт терапия усули билан даволанган беморлар гуруҳидаги кўрсаткичлар ўзгариши кўрсатилган.

Сурункали мигрен беморларида (95% CI -11.5854 -5.2146;  $t = -5.455$ ;  $df = 23$ ;  $p < 0.0001$ ) ва сурункали зўриқиш бош оғриқли беморларда (95% CI 11.0110 -5.3690;  $t = -5.900$ ;  $df = 34$ ;  $p < 0.0001$ ) даводан сўнгги натижалар ( $p < 0.0001$ ) статистик жиҳатдан сезиларли даражада фарқ қилган.



**3-расм. Сурункали мигренли беморларнинг BTX-A инъекцияси ва стандарт терапиядан аввал ва кейинги GAD-7 натижалари кўрсаткичлари.**



**4-расм. Сурункали зўриқиш бош оғриқли беморларнинг BTX-A инъекцияси ва стандарт терапиядан аввал ва кейинги RNQ-9 натижаларининг кўрсаткичлари.**

Депрессия ёки коморбид ҳолатлар оғирлиги, NRS нинг юқори даражаси, бош оғриғи хуружлари сонини кўпайтиради ва беморнинг кундалик фаолиятига, иш қобилиятига таъсир қилади, уларнинг ҳаёт сифатини ёмонлаштиради. Натижалар асосида беморнинг ҳаёт сифат даражасига бош оғриқ интенсивлиги, бош оғриқ кунлар сони ва беморнинг ҳиссий ҳолати таъсир қилиши исботланган.

Диссертациянинг тўртинчи бобида «**Ботулотоксин инъекциясини қўллаш эвазига бирламчи сурункали бош оғриқли беморлар учун терапевтик ёндашувларни оптималлаштириш**» перикраниал мушаклар дисфункцияси ва сурункали бош оғриғида аллодиния ташҳиси натижалари тақдим этилган.

4.2-кичик бобда перикраниал ва бўйин мушакларининг дисфункциясини кўрсатадиган иЭМГ тадқиқотлар натижалари тақдим этилган ва сурункали кундалик бош оғриғи ташҳиси учун интерференцион ЭМГ дан фойдаланиш тасдиқланган. Бирламчи сурункали бош оғриғи бўлган беморларда

перикраниал ва бўйин мушакларининг дисфункциясини баргараф этиш учун иЭМГ натижалари асосида Ботулотоксин А-типини қўллаш самарадорлиги кўрсатилган.

Интерференцион ЭМГ маълумотлари натижаларини таққослаш мақсадида сурункали бош оғриғи бўлмаган 20 нафар бемор иЭМГ тадқиқотларига киритилган. Сурункали мигрен (n=26) ва сурункали зўриқиш бош оғриғи (n=36), бўлган беморларда, даволанишдан олдин ва бирламчи сурункали бош оғриғи бўлмаган беморларда (n=20) иЭМГ маълумотлари статистик жиҳатдан сезиларли даражада фарқ қилган, бу 3-жадвалда келтирилган. Бу иЭМГ усули сурункали кундалик бош оғриғи билан оғриган беморларда перикраниал ва бўйин мушакларидаги кучланишни аниқлашда ишлатилиши мумкинлигини исботлаган.

### 3-жадвал

#### Сурункали мигрен беморларда, сурункали зўриқиш бош оғриқли беморлар ва сурункали бош оғриғи бўлмаган беморларда даводан аввал иЭМГ кўрсаткичларининг ўртача натижалари

	5 мин давомида тинч ҳолатда						25 сек максимал зўриқишдан сўнг					
	m.temporalis		m. STM		m.trapezius		m.temporalis		m. STM		m.trapezius	
	Аўр, мВ	S, мВ*мс	Аўр, мВ	S, мВ*мс	Аўр, мВ	S, мВ*мс	Аўр, мВ	S, мВ*мс	Аўр, мВ	S, мВ*мс	Аўр, мВ	S, мВ*мс
Сурункали мигрен	0.3	58.94	0.07	8.34	0.13	18.47	0.88	76.2	0.58	92.06	0.75	138.7
Сурункали бош оғриғи	0.11	59.53	0.084	10.61	0.26	59.4	0.51	90.66	0.50	96.02	0.75	184.34
Сурункали бош оғриғи бўлмаган беморлар	0.05	7.45	0.03	4.41	0.04	5.44	0.16	24.5	0.18	26.5	0.17	28.8

Сурункали кундалик бош оғриғи билан касалланган барча беморларда даводан аввал сурункали бош оғриғи бўлмаган беморлар билан таққосланганда электромиографик фаоллик ошганлиги, перикраниал ва бўйин мушкуларида юқори амплитуда ва юқори тезлик кузатилиши билан намоён бўлган, бу эса мушакларнинг таранглигини кўрсатган.

Даводан сўнг: Сурункали мигрен БТХ-А инъекцияси: стандарт терапия иЭМГ даги тинч ҳолатдаги ўртача кўрсаткичлари m.temporalis да:  $M \pm SD =$  амплитуда  $0.07 \pm 0.06 : 0.2 \pm 0.16$ ,  $p=0.0002$  ва тезлик  $8.27 \pm 6.32 : 33.08 \pm 22.99$ ,  $p < 0.0001$ , зўриқиш вақтида амплитуда  $0.18 \pm 0.09 : 0.49 \pm 0.17$ ,  $p < 0.0001$  ва тезлик  $25.5 \pm 16.75 : 72.4 \pm 22.86$ ,  $p < 0.0001$ . Тинч ҳолатда m.STM: амплитуда  $0.032 \pm 0.013 : 0.04 \pm 0.018$ ,  $p=0.0412$ , тезлик  $4.6 \pm 1.61 : 6.04 \pm 1.58$ ,  $p=0.0022$ , зўриқиш вақтида амплитуда  $0.19 \pm 0.05 : 0.34 \pm 0.085$ ,  $p < 0.0001$ , тезлик  $25.7 \pm 7.95 : 50.8 \pm 31.83$ ,  $p < 0.0001$ . Тинч ҳолатда m.trapezius амплитуда  $0.045 \pm 0.043 : 0.95 \pm 0.1$ ,  $p < 0.0001$ , тезлик  $6.63 \pm 6.36 : 13.38 \pm 9.08$ ,  $p=0.0027$  зўриқиш вақтида амплитуда  $0.19 \pm 0.067 : 0.47 \pm 0.17$ ,  $p < 0.0001$ , тезлик  $30.44 \pm 17.87 : 67.89 \pm 38.94$ ,  $p < 0.0001$ .

Сурункали зўриқиш бош оғриқ беморларда БТХ-А инъекцияси: стандарт терапиясидан сўнг, иЭМГ даги тинч ҳолатдаги ўртача кўрсаткичлари



m.temporalis: амплитуда  $0.041 \pm 0.02$  :  $0.089 \pm 0.07$ ,  $p=0.0001$ , тезлик  $7.46 \pm 9.9$  :  $16.25 \pm 13.25$ ,  $p=0.0019$ , зўриқиш вақтида амплитуда  $0.14 \pm 0.05$  :  $0.32 \pm 0.12$ ,  $p < 0.0001$ , тезлик  $24.9 \pm 10.05$  :  $45.6 \pm 15.31$ ,  $p < 0.0001$ . Тинч ҳолатда m.STM: амплитуда  $0.043 \pm 0.017$  :  $0.072 \pm 0.04$ ,  $p=0.0002$ , тезлик  $5.76 \pm 2.43$  :  $10.38 \pm 6.07$ ,  $p < 0.0001$ , зўриқиш вақтида амплитуда  $0.19 \pm 0.06$  :  $0.33 \pm 0.15$ ,  $p < 0.0001$  тезлик  $27.82 \pm 12.98$  :  $48.58 \pm 27.16$ ,  $p=0.0001$ . Тинч ҳолатда m.trapezius амплитуда  $0.061 \pm 0.072$  :  $0.196 \pm 0.22$ ,  $p=0.0005$ , тезлик  $9.38 \pm 13.29$  :  $28.45 \pm 28.79$ ,  $p=0.0004$  зўриқиш вақтида амплитуда  $0.23 \pm 0.11$  :  $0.57 \pm 0.28$ ,  $p < 0.0001$ , тезлик  $51.33 \pm 36.09$  :  $71.51 \pm 26.67$ ,  $p=0.0103$ .

Натижалардан кўриниб турибдики, иЭМГ усули сурункали бош оғриқлар патогенезида муҳим рол ўйнайдиган перикраниал ва бўйин мушакларидаги кучланишни аниқлаш ташҳисида, БТХ-А даволаш турини қўллаш учун кўрсатма сифатида ва БТХ-А инъекция қилиш нуқталарини аниқлашда кўрсатма сифатида ишлатилиши асосланган.

Даволаш самарадорлигини аниқлаш мезонларига куйидагилар киритилган: бош оғриқ эпизодларининг частотаси (ойига бош оғриқ хуруж кунлар сони) 6 ойлик даводан сўнг  $\geq 50\%$  га камайгани, оғриқ қолдирувчи воситалар истеъмоли камайгани ва коморбид ҳолатларнинг яхшиланиши (кайфият яхшиланиши, хавотир пасайиши, уйқу меъёрлашиши), бемор иш фаоллигининг ошиши, ижтимоий мослашув даражаси ва беморнинг ҳаёт сифати яхшиланиши, давони самарали деб ҳисоблаган.

Ботулинотерапия самарадорлиги ва хавфсизлигини баҳолаш мақсадида субъектив ва объектив усуллардан фойдаланилган.

Бирламчи сурункали бош оғриқ бўлган беморларда Ботулотоксин-А инъекцияларини қўллаш бўйича индивидуал ёндашув ишлаб чиқилган (клиник хусусиятларга асосланиб, самарали доза ва инъекция нуқталари). Шунингдек, интерференцион ЭМГ маълумотлари асосида «Оғриқ кетидан» усули ёрдамида БТХ-А инъекция қилишнинг индивидуал схемаси ишлаб чиқилган.

100 бирлик БТХ-А 2 мл физиологик эритма билан суюлтирилган, натижада 5 бирлик/0,1 мл концентрацияга эришилган. «Белгиланган нуқта, белгиланган доза» усули ва «Оғриқ кетидан» усули қўлланилган.

6 ойдан сўнг БТХ-А инъекцияси ва стандарт даво терапияси олган беморларда даволанишга жавобининг қиёсий таҳлили (NRS шкаласи бўйича баҳоланган) 4-жадвалда келтирилган.

6 ойлик тадқиқотдан сўнг, бош оғриғи хуружлари частотаси ва интенсивлиги статистик жиҳатдан сезиларли даражада пасайиши, шунингдек, ойига ишлатиладиган аналгетиклар сонининг камайиши исботланган, ўрганилган беморларнинг ҳаёт сифати ва уларнинг ҳиссий фони яхшилانган.

#### 4-жадвал

### Бош оғриғи интенсивлиги кўрсаткичларининг терапиядан сўнг 6 ойдан кейинги таққослаш натижалари

	Сурункали зўриқиш бош оғриқлари	Сурункали мигрен
--	---------------------------------	------------------

	БТХ-А инъекциядан кейин	Станд. терапиядан кейин	БТХ-А инъекциядан кейин	Станд. терапиядан кейин
Беморлар умумий сони	n = 28	n = 32	n=20	n=22
Ўзгариш йук (NRS курсаткичини <1 баллга камайиши)	0 (0%)	1 (0,9%)	0 (0%)	7 (6,8%)
Давога сушт жавоб (NRS 2-3 баллга камайиши)	1 (0,9%)	7 (6,8%)	4 (3,9%)	16 (15,6%)
Давога Ўртача жавоб (NRS 4-5 баллга камайиши)	3 (2,9%)	6 (5,8%)	9 (8,8%)	4 (3,9%)
Давога мусбат жавоб (NRS шкаласида $\geq 5$ баллга камайиши)	16 (15,6%)	8 (7,8%)	15 (14,7%)	5 (4,9%)

Даводан аввал хуруж частотасининг ўртача қиймати икки гуруҳ орасида статистик аҳамиятли фарқли бўлмаган, аммо даводан кейин статистик жиҳатдан ишонarli даражада фарқ қилган: I-гуруҳ, сурункали мигрен бўлган беморларда БТХ-А инъекциясини қўллашдан аввал: стандарт даводан аввал =  $21.3 \pm 2.0$  :  $20.6 \pm 1.83$ ,  $p=0.2432$ , даводан сўнг  $2.25 \pm 3.65$  :  $5.5 \pm 3.98$ ,  $p=0.0089$ . II-гуруҳ, сурункали зўриқишли бош оғриғи бўлган беморларда БТХ-А инъекциясини қўллашдан аввал: стандарт даводан аввал =  $21,7 \pm 1,99$ :  $21,53 \pm 1,86$ ,  $p = 0,7337$  ва даводан сўнг  $1,53 \pm 1,83$ :  $4,96 \pm 3,32$ ,  $p = <0,0001$ .

5-жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, БТХ-А инъекциясини олган ва стандарт даво олган беморлар гуруҳлари орасида даводан аввал хужумлар частотасининг ўртача қийматлари статистик жиҳатдан муҳим фарқга эга бўлмаган: сурункали мигрен билан касалланган беморлар (95% CI -1.8943 0.4943;  $t= -1.185$ ;  $df= 40$ ;  $p=0.2432$ ) ва сурункали зўриқишли бош оғриғи бўлган беморлар (95% CI -1.1654 0.8254;  $t= -0.342$ ;  $df= 58$ ,  $p=0.7337$ ),  $p>0.05$ . Даводан сўнгги натижалар статистик жиҳатдан сезиларли даражада фарқ қилган: сурункали мигрен билан касалланган беморлар (95% CI 0.8604 5.6396;  $t=2.749$ ;  $df= 40$ ;  $p=0.0089$ ) ва сурункали зўриқишли бош оғриғи бўлган беморлар (95% CI 2.0161 4.8439;  $t=4.856$ ;  $df= 58$ ;  $p=<0.0001$ ), бу ерда  $p<0,05$ , бу тадқиқотнинг ишончли натижаларини кўрсатган.

Даводан аввал икки гуруҳда (БТХ-А инъекцияси усули ва стандарт даво усули билан даволанганлар) ойига бош оғриғи хужумларидан бўш кунлар сони бўйича ишонarli статистик фарқ бўлмаган ( $p>0,05$ ). Даводан сўнг, икки гуруҳ ўртасида сезиларли статистик ишонarli фарқ кузатилган: сурункали мигрен билан касалланган беморлар гуруҳида (95% CI -5.6396 -0.8604;  $t= -2.749$ ;  $df= 40$ ;  $p=0.0089$ ) ва сурункали зўриқишли бош оғриғи бўлган беморлар гуруҳида (95% CI -4.8439 -2.0161;  $t= -4.856$ ;  $df= 58$ ;  $p=<0.0001$ ), бу маълумотлар тадқиқотнинг ишончли натижаларини кўрсатган.

**5-жадвал**

**Сурункали кундалик бош оғриғи бўлган беморларни даволашдан олдин  
ва кейин бўлган бош оғриқлар такрорланиши ва бош оғриқ  
кузатилмаган кунлар сони**

		Бош оғриқ хуружлари частотаси (ойда) M±SD	P value	Бош оғриқ кузатилмаган кунлар сони (ойда) M±SD	P value
I-гурух, сурункали мигрэн (n=42), M±SD	БТХ-А инъекциясидан аввал (n=20)	21.3±2.0	p=0.2432	8.7±2.0	p=0.5989
	Стандарт терапиядан аввал (n=22)	20.6±1.83		9.31±1.83	
	БТХ-А инъекциясидан сўнг (n=20)	2.25±3.65	p=0.0089	27.75±3.65	p=0.0089
	Стандарт терапиядан сўнг (n=22)	5.5±3.98		24.5±3.98	
II-гурух, сурункали зўриқиш бош оғриғи (n=60), M±SD	БТХ-А инъекциясидан аввал (n=28)	21.7±1.99	p=0.7337	8.28±1.99	p=0.7187
	Стандарт терапиядан аввал (n=32)	21.53±1.86		8.46±1.86	
	БТХ-А инъекциясидан сўнг (n=28)	1.53±1.83	p=<0.000 1	28.46±1.83	p=<0.000 1

6 ойдан сўнг олинган таҳлил натижалари сурункали кундалик бош оғриқли беморларда БТХ-А инъекцияларининг терапевтик самарадорлиги исботланган ва БТХ-А инъекциялари профилактик даво сифатида ишлатилишига тавсия этиш имконини берган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, ушбу тоифадаги беморлар учун жорий этилаётган даволаш усули самарали ва уни амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқ.

### ХУЛОСА

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси асосида қилинган диссертация иши «Сурункали бош оғриғи бўлган беморлар терапевтик ёндашувларни оптималлаштириш» да олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Сурункали кундалик бош оғриғи билан касалланган беморларнинг клиник хусусиятлари: ўртача кўрсаткич (NRS шкаласи бўйича оғир даража оғриқ, сурункали зўриқиш бош оғриқли беморларда 46,4% ва сурункали мигрэн беморларда 60,0% учради), касалликнинг ўртача давомийлиги (сурункали зўриқиш бош оғриқли беморларда ±4,96 йил, сурункали мигрэн ±9,85 йил), бош оғриғи хуружларининг ўртача частотаси (сурункали зўриқиш бош оғриғи бўлган беморларда ойига ±21,7 кун ва сурункали мигрэн гуруҳида ойига ±21,3 кун) ва ҳаёт сифати кўрсаткичи ёмон (сурункали зўриқиш бош оғриғи бўлган беморларда 29-35 балл, сурункали мигрэнли беморларда 36-42 балл, сурункали бош оғриғи бўлмаган беморларда 0-10 баллни ташкил қилди).

2. Сурункали кундалик бош оғриқли беморларда перикраниал ва бўйин мушакларида зўриқиш мавжуд, бу оғриқ синдромининг патогенетик

механизмларидан бири. Сурункали мигрен билан касалланган беморларда катта ўзгаришлар (юқори амплитуда ва тезлик) *m.temporalis* да (0.3 мВ) кузатилади, сурункали зўриқиш бош оғриқли беморларда эса *m.trapezius* (0.26 мВ) ва *m.strnucleiodomastoideus* (0.084 мВ), сурункали бош оғриғи бўлмаган беморларда *m.temporalis* (0.05 мВ), *m.trapezius* (0.04 мВ) ва *m.strnucleiodomastoideus* (0.03 мВ)).

3. Ботулинотепрапиядан фойдаланиш сурункали кундалик бош оғриғи бўлган беморларда патогенетик асосланган тактикадир, бу оғриқнинг интенсивлигини ишончли тарзда камайтириш имконини беради (NRS шкаласи бўйича сурункали мигрен беморларда оғриқ интенсивлиги  $7,43 \pm 2,43$  дан  $1,3 \pm 2,27$  баллга камайган, сурункали зўриқиш бош оғриқли беморларда  $5,92 \pm 2,52$  дан  $1,85 \pm 2,1$  баллга тушган) ва мушаклардаги зўриқиш (сурункали мигрен беморларда  $1,8 \pm 1,15$  дан  $0,35 \pm 0,67$  баллгача, сурункали зўриқиш бош оғриқли беморларда  $2,03 \pm 0,96$  дан  $0,64 \pm 0,95$  баллга пасайган).

4. Сурункали мигрен бўлган беморларга БТХ-А инъекция дозаси 195 бирлик, 3-4 ойда бир марта, сурункали зўриқиш бош оғриқли беморларга 155 бирлик дозада ҳар 4-6 ойда бир марта юбориш ишлаб чиқилган ягона схема бўйича тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 ПРИ БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ**

**КАДЫРХОДЖАЕВА НИГОРА САИДГАНИЕВНА**

**ОПТИМИЗАЦИЯ ТЕРАПЕВТИЧЕСКИХ ПОДХОДОВ У  
ПАЦИЕНТОВ С ПЕРВИЧНЫМИ ХРОНИЧЕСКИМИ ГОЛОВНЫМИ  
БОЛЯМИ**

**14.00.13 – Неврология**

**АВТОРЕФЕРАТ  
диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам**

**Бухара – 2022**

Тема доктор философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан № В2018.2.PhD/Tib644.

Диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.bsmi.uz) и в информационно-образовательном портале "ZiyoNet" (www.ziynet.uz).

**Научный руководитель**

**Прохорова Анна Владимировна**  
доктор медицинских наук

**Официальные оппоненты**

**Раимова Малика Мухамеджановна**  
доктор медицинских наук

**Джурабекова Азиза Тахировна**  
доктор медицинских наук, профессор

**Ведущая организация**


**Казахский национальный медицинский университет имени С.Д. Асфендиярова (Республика Казахстан)**


Защита диссертации состоится « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2022 года в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 при Бухарском государственном медицинском институте (Адрес: 200118, г. Бухара, ул. Навои, дом 1. Тел/факс: +99865 223 00-50, веб-сайт: www.bsmi.uz, E-mail: buhme@mail.ru).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного медицинского института (зарегистрирована за № \_\_\_\_). (Адрес: 200118, г. Бухара, ул. Навои, дом 1. Тел/факс: +99865 223 00-50, веб-сайт: www.bsmi.uz, E-mail: buhme@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2022 года  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_ от « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2022 года).



  
**Д.Т. Ходжиева**  
Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

  
**Н.Ш. Ахмедова**  
Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, доктор философии по медицинским наукам (PhD), доцент

  
**Г.А. Ихтиярова**  
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Головные боли – одна из наиболее часто предъявляемых жалоб в практике не только врача невролога, но и врача общей практики. По данным Всемирной Организации Здравоохранения «...цефалгии входят в число самых распространенных заболеваний нервной системы. Почти половина взрослого населения испытывала головную боль, по меньшей мере, один раз в год. Повторяющиеся приступы головной боли оказывают негативное воздействие на семейную и общественную жизнь, ассоциируются с инвалидностью, сниженным качеством жизни и финансовыми расходами...»<sup>1</sup>. По данным Европейской Федерации Головной Боли цефалгии входят в десятку самых частых причин нетрудоспособности, что определяет социальный и экономический ущерб.

Во всем мире на сегодняшний день, Международное общество головной боли выделяют более 160 разновидностей, которые в свою очередь разделены на первичные и вторичные цефалгии. По мнению международных экспертов, первичные цефалгии — это самостоятельные, нозологические формы, не выявлены органические причины и составляют 95-98% всех форм цефалгий. Вторичные цефалгии могут быть причиной множества заболеваний. . первичных головных болей основано на двух принципах: купирование приступа головной боли и профилактическая терапия направленная на уменьшение частоты и интенсивности.

На сегодняшний день для повышения медицинского обслуживания на новый уровень, снижение инвалидности, вызванных осложнениями цереброваскулярных заболеваний, в нашей стране проводятся целенаправленные реформы по ранней диагностике, лечению и разработке мер по предотвращению данного заболевания. В связи с этим принимаются комплексные меры по кардинальному совершенствованию системы здравоохранения, такие как: «... повышение эффективности, качества и доступности медицинской помощи в стране, а также формирование системы медицинской стандартизации, внедрение высокотехнологичных методов диагностики и лечения, поддержка здорового образа жизни и профилактики заболеваний путем создания эффективных моделей патронажной службы и эффективной диспансеризации ...»<sup>2</sup>. По этой причине необходимо довести качество медицинских услуг на новый уровень, в частности, уровень современных медицинских услуг по диагностике и лечению цефалгии и использовать современные технологии для качественной медицинской помощи, снижение инвалидности и смертности среди взрослого населения особенно. Важное значение имеет разработка новых подходов к лечению.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, обозначенных в Указе Президента Республики Узбекистан

---

<sup>1</sup> <https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/headache-disorders>

